

Республикамиздаги ҳозирги шароит, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши ҳамда транспорт инфраструктурасининг энг муҳим йўналишларидан бири магистраль автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш бўлиб, бу йўллардаги ички ва қўшни давлат билан транзит алоқалар амалга оширилади. Ўзбекистон БМТ нинг “Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш” дастурида бевосита иштирок этиб, “Буюк ипак йўлини” тиклашга киришди. Ўзбекистон “Буюк Ипак” йўли - Европа ва Осиё мамлакатларининг ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қадимги магистралининг марказий таянч нуқталаридан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2018 йилда янги йўллар барпо этиш, транспорт-логистика инфратузулмасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўйдаги ишларни режалаштирганлигини таъкидлаб ўтди. Автомобил транспорти инфратузулмасини ривожлантириш борасида асосий эътиборни халқаро, давлат аҳамиятига молик, шунингдек, ҳудудларимизни боғлайдиган автомобиль йўлларига қаратиш билан чекланиб қолмоқдамиз [1].

Автомобиль транспорти ишини, ҳайдовчи меҳнатини, йўлдаги транспорт воситаларининг ва пиёдаларнинг ҳаракатини ташкил этишни бир биридан фарқлаш лозим. Биринчи икки масала билан асосан автокорхоналар, кейингиси билан эса йўл хўжаликлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва ҳокимият вакиллари шуғулланадилар. Юқоридаги келтирилганлардан келиб чиқиб, йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг асосий мақсади ҳар хил транспорт воситаларини юқори тезликлар билан йўлнинг турли бўлагидан йилнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитларида хавфсиз ўтказилишини таъминлаш зарур [2, 3, 4, 5, 6].

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлганидек, автотранспорт тизимида ҳам юз бераётган катта ўзгаришлар соҳада амалий ишлар қилинаётганлигидан дарак беради. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки даврларида автомобилсозлик саноатига пойдевор қўйилиб, соҳанинг тараққий эта бошлаганлиги юртимиз истиқболининг ёрқин кўринишларидан биридир. Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш бугунги кундаги муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Автомобилнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарлари миқдори кундан-кунга ошиб бормоқда, энг асосийси эса, йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида кўплаб инсонларнинг жабр кўришлари ва ҳаётдан кўз юмишларидир. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун кўрилаётган қатор тадбирларга қарамасдан уларнинг миқдорларини камайишига эришиб бўлмапти. Бу эса, йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига ўта жиддий ёндашиш зарур эканлигини мутахассислар олдиға вазифа қилиб қўймоқда.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун унга илмий ёндашиш, унинг барча серқирра жараёнларини таҳлил этиш зарур. Бунинг учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассислар йўл ҳаракатининг асосий кўрсаткичларини, йўллардаги

шароитларининг транспорт оқимларининг ҳаракатларига қандай таъсир кўрсатишларини, транспорт оқимларини бошқаришнинг техник воситалари орқали йўл ҳаракатини бошқариш бўйича билимларга эга бўлишлари зарур.

Автомобиль йўлларида ҳар доим ҳаракат тартибсиз равишда вужудга келади. Ҳар бир ҳайдовчи ўзига қулай ҳаракат тартибини танлайди ҳамда ўзи танлаган ҳаракат тартибининг бошқа ҳаракат қатнашчиларига таъсири билан ҳисоблашмайди. Кўпчилик холларда ҳайдовчиларнинг танлаган ҳаракат тезлиги йўл, об-ҳаво шароитларини ва транспорт оқими тавсифларини ҳисобга олмаслиги сабабли ҳаракат хавфсизлиги таъминланмайди. Бундай ҳолат эса автомобиль йўлларида зиддиятли шароитларни вужудга келтирмоқда.

Бундан ташқари турли русумли автомобилларнинг ҳар хил динамик сифати ҳаракат тартибига таъсир қилиши муқаррардир. Йўл ҳаракатида автомобилларнинг ўзаро таъсири ҳаракат миқдори қанча кўп бўлса, шунча ортиб боради [2, 3, 4, 5, 6, 7, 8].

Йўл ҳаракатини ташкил этишда транспорт воситалари оқимини максимал даражада йўлнинг геометрик ўлчамлари имкониятидан фойдаланиб, унинг ҳар хил бўлақларида хавфсиз ҳаракат тартибини ва юқори ўтказиш қобилиятини таъминлашга қаратилиб, у транспорт воситаларини юқори самарадорлик билан ҳаракатланишига қаратилган тадбирлар тизимидан иборат бўлади. Йўл ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари қуйидагиларга: транспорт оқимини тўғри йўналтиришга, керак ҳолларда уларни тезликлар бўйича гуруҳларга ажратишга, ҳар бир йўл бўлаги учун рационал тезликларни белгилашга, ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳаракат йўналиши ва йўл шароити тўғрисида ахборот беришга қаратилади. Йўлларда ҳаракатланиш деганда–ҳаракатдаги транспорт воситалари мажмуи билан пиёдаларнинг ўзаро муносабатлари тушунилади [2, 3, 4, 5, 6, 9, 10].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг асосий мақсади, ҳар хил транспорт воситаларини юқори тезликлар билан йўлнинг турли бўлагидан йилнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитларида хавфсиз ўтказилишини таъминлаш ҳисобланади.

Йўл транспорт ҳодисаларини келиб чиқиш шарт-шароитлари турлича бўлсада, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, баъзи бир ўхшашлик аломатларини белгилашда ёрдам беради. Шу асосда ҳодисаларни классификациясини ишлаб чиқиш, уларни вужудга келиш сабабларини ўрганиш ва бартараф қилиш учун чора тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари ҳодиса турлари классификацияси ҳисоботларини умумлаштириб, таҳлил қилиш имконини беради. Йўл транспорт ҳодисаси қуйидагича классификация қилинади: тўқнашув, афдарилиб кетиш, тўхтаб турган транспорт воситасини уриб кетиш, тўсиқларга урилиш, пиёдаларни босиб кетиш, велосипедчини босиб кетиш, аравани босиб кетиш, хайвонларни уриб кетиш, бошқа йўл транспорт ҳодисалари. Автомобиль йўлларида, шаҳар кўча ва майдонларида транспорт воситаларининг нормал ҳаракат тартибининг бузилиши

оқибатида инсонлар ҳалок бўлишига, тан жароҳат олишига, шунингдек, транспорт воситаларига ва ундаги юкларнинг зарар кўришига, йўлдаги сунъий иншоотларнинг зарарланишига ёки бошқа турдаги моддий зарарлар етказишга сабабчи бўлувчи ҳалокатларга йўл транспорт ҳодисаси дейилади. Бу таърифга кўра йўл транспорт ҳодисасида иккита фактор бўлиши характерлидир, булар: инсонларнинг ўлими, тан жароҳати ёки катта миқдордаги моддий зарар, шунингдек, бирон-бир транспорт воситасининг ҳаракатда бўлишлигидир [2, 3, 4, 5, 6, 11, 12].

Транспорт йўллари сифати ҳамда замонавий инфратузулмавий таъминоти юкларни ташиш тезлигининг ошишига олиб келади ва пировард натижада мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминлайди. Халқаро молия бозорларидаги инқироз ва бунинг оқибатида вужудга келган иқтисодий қийинчиликлар даврида ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида вақтинчалик фойдаланилмаётган меҳнат ресурсларини мамлакатнинг транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга сафарбар қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини амалиётга тадбиқ этиш кутилган натижаларга олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда автомобиль йўлларини қуриш, ундан фойдаланиш соҳасида мавжуд йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан кенг қамровли ишларни янада жонлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Йўл ҳаракатини ташкил этишда транспорт воситалари оқимини максимал даражада йўлнинг геометрик ўлчам имкониятларидан фойдаланиб, унинг ҳар хил бўлакларида хавфсиз ҳаракат режимини ва юқори ўтказиш қобилиятини таъминлашга қаратилиб, у транспорт воситаларини юқори самарадорлик билан ҳаракатланишига қаратилган тадбирлар тизимидан иборат. Йўл ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари қуйидагиларга қаратилади: транспорт оқимини тўғри йўналтиришга, керак ҳолларда уларни тезликлар бўйича гуруҳларга ажратишга, ҳар бир йўл бўлаги учун рационал тезликларни белгилашга, ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳаракат йўналиши ва йўл шароити тўғрисида ахборот беришга [2, 3, 4, 5, 6, 13, 14, 15].

Пиёдалар йўл ҳаракатида алоҳида ўрин эгаллайдилар. Уларни йўл ҳаракат қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилишлари реал йўл шароитларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга имкон яратади [2, 3, 4, 5, 6, 16, 17, 18].

Хавфсиз ҳаракатни ташкил этишда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тафсивловчи кўрсаткичларни тадқиқот қилиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Қуйида улар тўғрисидаги асосий тушинчаларга тўхталиб ўтамиз.

Ҳаракат миқдори (жадаллиги) йўлнинг бирон-бир кўндаланг кесимидан вақт бирлиги ичида ўтган тарнспорт воситаларининг сони (авт/сут ёки авт/соат).

Харакат таркиби транспорт оқимида ҳар хил транспорт



воситаларининг нисбатини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, у фоизда ёки улушда ўлчанади. Бу кўрсаткич транспорт оқимининг тезлигига ва зичлигига катта таъсир кўрсатади [2, 3, 4, 5, 6, 19, 20, 21, 22].

Пиёдалар оқимининг зичлиги бир метр квадрат тротуар майдонига тўғри келадиган қиймат билан аниқланади. Пиёдалар оқимининг зичлиги тротуарнинг энига ва пиёдаларнинг ҳаракат миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, уларнинг нисбати пиёдаларнинг ҳаракатланиш қулайлигини белгилайди.


Бир йил давомида шаҳар кўчаларининг тарбанд ҳудудида пиёдалар ва транспорт воситаларининг оқимини ўзгаришини кузатиш орқали қуйидагиларни таҳлил қилишимиз мумкин. Йил давомида ўртача пиёдаларнинг ҳаракат миқдори 40 %ни, енгил автомобилларнинг ҳаракат миқдори 37 %ни, микавтобус ва дамасларнинг ҳаракат миқдори 22 %ни ва автобусларнинг ҳаракат миқдори 1 %ни ташкил қилди [2, 3, 4, 5, 6, 23, 24, 25, 26].

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўл транспорт ҳодисаларининг юзага келиш сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини енгиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Ҳозирги вақтга келиб транспорт воситаларининг аҳоли ўртасида кескин ўсиши шаҳар йўлларида ҳаракатланиш тирбандлигини келтириб чиқармоқда. Ҳозирги кунда 2021 йилга нисбатан 2022 йилда содир бўлган йўл транспорт ҳодисалари нисбатан ошган. Бунга сабаблардан бири, йўлларда транспорт воситалари оқимини сутканинг ҳар хил вақтида турлича бўлишидир [2, 3, 4, 5, 6, 27, 28, 29, 30, 50, 51, 52].

1-графикда сутканинг ҳар хил вақтларида содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларининг графиги келтирилган. Вилятизда йўл транспорт ҳодисалари кўпайишига асосий сабаб автомобилларнинг кескин кўпайиб кетиши, бундан ташқари

йўловчи ташиш транспорт воситалари (Дамас ва йўналишдаги такси автомобиллари)нинг тартибсиз ҳаракатланиши, транспорт воситаларининг техник носозлиги, ҳайдовчиларнинг хатоси, йўл шароитини яхши эмаслиги, пиёдаларнинг йўл қодаларига риоя қилмаслиги, йўлларнинг тирбандлигидир [2, 3, 4, 5, 6, 31, 32, 33, 34, 35, 53, 54, 55, 56].



**1-график.** Йўл транспорт ҳодисаларига сутканинг вақтлари таъсири.

Бу муаммони ҳал қилиш йўлларида бири автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқаришни ташкил қилиш бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни киритади [2, 3, 4, 5, 6, 37, 37, 38, 39, 40, 41]:

- йўл шароити, транспорт оқими ҳолати тўғрисида маълумот йиғиш ва таҳлил қилиш;
- ҳар бир аниқ ҳолатда оптимал ҳаракат тартибини танлаш;
- ҳаракат қатнашчиларига тавсия этилаётган ҳаракат тартиби тўғрисида оператив ахборот бериш ва унинг бажарилишини назорат қилиш.

Хулоса қилиб айтсак шаҳар кўчаларининг тирбанд ҳудудида ҳаракатланаётган пиёдалар, пиёда болаларнинг қўпол равишда йўл белгисини бузганлиги ва унга амал қилмаслиги, светофор чироқларига амал қилмасликлар, йўлларда тартибсиз ҳаракатланаётганлиги кузатилди. Бундан ташқари транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тартибсиз ҳаракатланиши, йўл белги чизиқларига ва йўл белгиларига амал қилмасликлари кузатилган бўлса, йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳайдовчилари тўхташ бекатларига тўхташ ўрнига дуч келган жойда тўхташлари ва йўловчиларни тушириш, олиб кетишлари кузатилди. Натижада ушбу ҳудудда кўплаб йўл транспорт ҳодисалари учраб турибди. Бундан ташқари ҳар бир ҳайдовчи бир сутка давомида 8 соатдан ошиқ вақтда ишламаслиги, вилоятимиздаги мавжуд кўчаларнинг яхши ёритилиши ҳамда йўл ҳолатининг талаб даражасида сақлаш таъминланиши, ҳайдовчиларни тезликка риоя қилишини таъминлаш керак.

Шунда вилоятимизда ва шаҳримизда ҳар хир бахтсиз ҳодисаларни олдини олган бўламиз [2, 3, 4, 5, 6, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49].

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б.
2. Азизов Қ.Ҳ. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. Дарслик. – Тошкент: 2009. - 267 бет.
3. Xolmatov U., Xolmatov S. YO ‘L TRANSPORT HODISALARINI VUJUDGA KELISHIDA PIYODA VA PIYODA BOLALARNING O ‘RNI //Science and innovation in the education system. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 8-15.
4. Xolmatov U. S., Umid o‘g‘li X. S. YO ‘L TRANSPORT HODISALARINI VUJUDGA KELISHIDA “AVTOMOBIL-HAYDOVCHI-YO ‘L-PIYODA-MUHIT” TIZIMINING AHAMIYATI //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 19-26.
5. Икромов Н. А., Холматов У. С., ўғли Холматов С. У. ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 11-18.
6. Xolmatov U. S., Qobilova A. U., Akbarova M. U., Xolmatov S. U. ANDIJON VILOYATIDA VUJUDGA KELGAN YO‘L TRANSPORT HODISALARINI TAHLILI //Международной научно-практической конференции на тему “Технология новых материалов: перспективы развития полимерных композиционных материалов, применяемых в машиностроении”, Андижан. – 2022. – С. 191-196.
7. Шипулин Ю. Г. и др. Оптоэлектронный преобразователь для автоматических измерений перемещений и размеров //Мир измерений. – 2013. – №. 1. – С. 41-43.
8. Холматов У. С. Анализ шумовых факторов в волоконных и полых оптических датчиках информационно-измерительных систем //Международной научно-практической конференции на тему “Технология новых материалов: перспективы развития полимерных композиционных материалов, применяемых в машиностроении”, Андижан. – 2022. – С. 197-201.
9. АЛМАТАЕВ О. Т. и др. ОПТОЭЛЕКТРОННЫЕ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛИ РЕФЛЕКТИВНОГО ТИПА ДЛЯ АВТОМАТИЗАЦИИ ЖИДКОСТНЫХ И ГАЗОВЫХ ПОВЕРОЧНЫХ РАСХОДОМЕРНЫХ УСТАНОВОК //Механика. Научные исследования и учебно-методические разработки. – 2014. – №. 8. – С. 27-34.
10. Kholmatov U. THE POSSIBILITY OF APPLYING THE THEORY OF ADAPTIVE IDENTIFICATION TO AUTOMATE MULTI-CONNECTED OBJECTS //The American Journal of Engineering and Technology. – 2022. – Т. 4. – №. 03. – С. 31-38.
11. Холматов У. С. ИССЛЕДОВАНИЯ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКОГО ДАТЧИКА ПРИ ПРОДОЛЬНОМ И ПОПЕРЕЧНОМ ПЕРЕМЕЩЕНИЯХ //НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ МАШИНОСТРОЕНИЕ. – 2022. – №. 1. – С. 78-85.

12. Kholmatov U. Intelligent discrete systems for monitoring and control of the parameters of technological processes on the basis of fiber and hollow fiber //Monograph, Andijan. – 2022. – С. 1-132.

13. Хамдамов Б. М. и др. ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ ОПТОЭЛЕКТРОННЫЙ ПРИБОР ДЛЯ КОНТРОЛЯ РАСХОДА ВОДЫ В ОТКРЫТЫХ КАНАЛАХ //Наука. Образование. Техника. – 2015. – №. 2. – С. 72-82.

14. Жумаев О. А. и др. Задачи разработки и проектирования оптоэлектронных преобразователей для газомерных установок //Вестник Курганского государственного университета. – 2015. – №. 3 (37). – С. 113-116.

15. Азимов Р. К. и др. Морфологический метод структурного проектирования оптоэлектронных преобразователей на основе полых и волоконных световодов (ОЭГВС) //Современные материалы, техника и технологии в машиностроении». III Международная научно-практическая конференция. – 2016. – С. 15-19.

16. Kholmatov U. OPTIMIZATION OF MATHEMATICAL MODEL OF OPTOELECTRONIC DISCRETE DISPLACEMENT CONVERTER //SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL MACHINE BUILDING. – 2022. – №. 2. – С. 74-82.

17. Kholmatov U. DETERMINATION OF THE MAIN CHARACTERISTICS OF OPTOELECTRONIC DISCRETE DISPLACEMENT TRANSDUCERS WITH HOLLOW AND FIBER FIBER //SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL MACHINE BUILDING. – 2022. – №. 4. – С. 160-168.

18. Шипулин Ю. Г., Холматов У. С. Интеллектуальные дискретные системы для контроля и управления параметрами технологических процессов на основе волоконных и полых световодов //Монография, Андижан. – 2018. – С. 1-140.

19. Ikromov Nurullo, & Rasulov Dilshod (2021). TECHNIQUE AND INSTALLATIONS FOR ELECTROMAGNETIC TREATMENT IN THE FORMATION OF COMPOSITE POLYMER COATINGS. Universum: технические науки, (7-3 (88)), 52-55.

20. Turaev Sh. PRESSURE OF CAR PARTS FROM POLYMERIC MATERIALS AND LOADING OF PRODUCTION FACTORS ON IT //SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL MACHINE BUILDING. – 2022. – №. 4. – С. 450-459.

21. Bakirov L., To'ychiyev H. SELECTION AND FOUNDATION OF POLYMER BINDER-FILLER SUBSTANCES FOR HETEROCOMPOSITE POLYMER MATERIALS USED IN MACHINE-BUILDING //Science and innovation in the education system. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 34-39.

22. Turaev Shoyadbek, Rakhmatov Sukhbatillo. Introduction of innovative management in the system of passenger transportation and automated system of passenger transportation in passenger transportation. Asian Journal of Multidimensional Research.2022.№11.P.34–38. DOI: <https://doi.org/10.5958/2278-4853.2022.00039.8>

23. Imomkulov K. B., Mukimova D. K. The motivation parameters of wedge-shaped disk of the machine for preparing plow by flap to sowing //Scientific-technical journal. – 2018. – Т. 1. – №. 3. – С. 145-147.

24. Тўраев Ш. А. Автомобилларда ишлатиладиган пластик деталларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг механик хоссаларини тадқиқ қилиш //Монография. – 2022. – С. 1-80.

25. Igamberdiev A. K., Muqimova D. K. DETERMINATION OF THE RATIONAL VALUES OF THE PARAMETERS OF THE DISC ROLLERS OF THE COMBINED UNIT //Irrigation and Melioration. – 2020. – Т. 2020. – №. 3. – С. 67-72.

26. Тўраев Ш. А. Автомобиль втулкаларининг ҳар хил полимер материалларини ейилишини аниқлаш //Монография. – 2021. – С. 1-88.

27. Muqimova D., Nurdinov M. COMPLIANCE WITH RESPONSIBILITY AND WORK REGIMES OF DRIVERS IN LEGAL REGULATORY DOCUMENTS DUE TO ACCIDENTS IN THE TRANSPORTATION OF INTERNATIONAL GOODS BY TRUCKS //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 15-25.

28. Odilov Kh. R. PROSPECTS FOR THE USE OF ALTERNATIVE FUELS //SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL MACHINE BUILDING. – 2022. – №. 2. – С. 322-329.

29. Avazbekovich, I. N. (2022). Investigation Of The Influence Of Technological Factors Of Magnetic Treatment Of Polymer Coatings On Their Adhesion And Physical And Mechanical Properties. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 1064-1070.

30. Introduction of innovative management in the system of passenger transportation and automated system of passenger transportation in passenger transportation SA Turaev, SMO Rakhmatov - *Asian Journal of Multidimensional Research*, 2022.

31. Muqimova D. et al. LOCATION AND DEVELOPMENT OF THE MAIN NETWORKS OF WORLD TRANSPORT //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 279-284.

32. Omadjon M., Xasanboy T. WEIGHT DISTRIBUTION OF THE MACHINE-TRACTOR UNIT WHEN LIFTING UNIVERSAL POWER EQUIPMENT //Universum: технические науки. – 2022. – №. 4-11 (97). – С. 60-63.

33. Ikromov, N. A., Isroilov, S. S., G'iyosiddinov, A. S., Rakhmatov, S. M., & Ibrokhimova, M. M. (2020). Situation of nes balance in the city passenger transportation market when moving passengers with transfers. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 188-198.

34. Odilov Kh. R. EFFECTIVE USE OF ALTERNATIVE FUELS //SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL MACHINE BUILDING. – 2022. – №. 4. – С. 484-491.

35. Nozimbek A. et al. IMPROVEMENT OF PHYSICAL AND MECHANICAL PROPERTIES OF PLASTIC PARTS USED IN MACHINE BUILDING //Universum: технические науки. – 2021. – №. 3-4 (84). – С. 52-55.

36. Turayev S. et al. The importance of modern composite materials in the development of the automotive industry //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 3. – С. 398-401.

37. Ikromov, N. A., & Turaev, S. A. To determine the ingesting of various polymer materials of automobile cartridges. *Academia-an international multidisciplinary research journal*, 10.

38. Turaev Shoyadbek Ahmadjonovich. Aminboyev Abdulaziz Shukhratbek ogli. Light automobile steel wheel manufacturing technology. *Asian Journal of Multidimesijal Research*. 18-23. 2022.

39. Bakirov L., Toychiyev X., Toychiyev X. ANDIJON SHAXAR JAMOAT TRANSPORTIDA ELEKTRON TOLOV TIZIMINI JORIY QILISH TAKLIFLARI //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 315-319.

40. Алматаев Т. О. и др. ИССЛЕДОВАНИЯ КОЭФФИЦИЕНТА ТРЕНИЯ И ИНТЕНСИВНОСТИ ИЗНАШИВАНИЯ ЭПОКСИДНЫХ И ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ КОМПОЗИЦИОННЫХ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ //ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ. – 2020. – С. 80-84.

41. Odilov K. BENZINLARNING FRAKSION TARKIBINI ANIQLASH VA TAHLIL QILISH //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-52.

42. Turaev Shoyadbek, Rakhmatov Sukhbatillo. Introduction of innovative management in the system of passenger transportation and automated system of passenger transportation in passenger transportation. *Asian Journal of Multidimensional Research*. 2022. №11. P.34–38. DOI: <https://doi.org/10.5958/2278-4853.2022.00039.8>.

43. Bakirov L., Toychiyev X., Toychiyev X. TERMOPLAST POLIMER XUSUSIYATLARIGA MAHALLIY TO 'LDIRUVCHILARNING TURLARINI TA'SIRINI TADQIQ ETISH //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 310-314.

44. Odilov K. BENZINLARNING FRAKSION TARKIBINI ANIQLASH VA TAHLIL QILISH //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-52.

45. To'ychiyev X., Soliyev B. Prospects for the use of polymeric materials in machine parts //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5. – С. 151-156.

46. Абдирахмонов Р. А. и др. WAYS TO IMPROVE THE LOGISTICS OF THE SHIPPING MARKET //Интернаука. – 2021. – №. 5-2. – С. 104-106.

47. Ikromov, N., Alijonov, A., Soliyev, B., Mamajonov, Y., Mahammadjonov, N., & Meliqoziyev, A. (2021). Analysis of mechanical properties of polymer bushing used in automobile industry. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 560-563.

48. Рахмонов Х. Н., Исмаилов С. Т., Амиржонов А. А. СТРУКТУРНЫЙ АНАЛИЗ НОВОГО ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНОГО ПЕРЕДАТОЧНОГО МЕХАНИЗМА С СИММЕТРИЧНЫМ ПЕРЕМЕЩЕНИЕМ ЦЕНТРОВ ВРАЩЕНИЯ ВЕДУЩИХ И ВЕДОМЫХ ЗУБЧАТЫХ КОЛЕС И ЕГО МОДИФИКАЦИИ //Universum: технические науки. – 2021. – №. 4-1 (85). – С. 56-59.

49. Ahmadjonovich TS AVTOMOBILLARDA ISHLATILADIGAN YUQORI BOSIMLI GAZ BALLONLARIDA ISHLATILADIGAN KOMPOZITSION POLIMER MATERIALLAR TAXLILI //Scientific Impulse. - 2022. - 1-jild. - Yo'q. 4. - S. 106-111.

50. Ikromov NA, To'raev S.A. Avtomobil patronlarining turli polimer materiallarini yutishini aniqlash //Akademiya-xalqaro ko'p tarmoqli tadqiqot jurnali. - T. 10.

51. Ahmadjonovich T. S. et al. THE ROLE OF COMPOSITE MATERIALS USED IN AUTOMOBILE DEVELOPMENT //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 409-414.

52. Turaev S. Pressure of car parts from polymeric materials and loading of production factors on it //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5. – С. 138-147.

53. Turaev S. A., Aminboyev A. S. O. Light automobile steel wheel manufacturing technology //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 25-30.

54. Sh, Giyosidinov A., and Muhammadaliyev S. F. "Methodology Of Selection Of Efficient Moving Structure For Transportation Of Fast Destructive Loads." JournalNX, vol. 8, no. 6, 2022, pp. 68-72, doi:10.17605/OSF.IO/KXQHB.

55. Abdumannob, G'lyasidinov, and Samatov Gaffor. "Improving the Activity of Transport and Logistic Clusters in Increasing Exports of Agricultural Products." JournalNX, vol. 8, no. 6, 2022, pp. 64-67, doi:10.17605/OSF.IO/DXG2E.

56. Khushnodbek R. et al. KINEMATIC ANALYSIS OF A NEW GEAR-LEVER DIFFERENTIAL TRANSMISSION MECHANISM WITH SYMMETRICAL DISPLACEMENT OF THE CENTERS OF ROTATION OF THE DRIVEN AND DRIVING GEARS //Universum: технические науки. – 2021. – №. 5-6 (86). – С. 30-35.

**KATTA MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING EMPATIYASINI  
RIVOJLANTIRISHDA DRAMATIZATSIYALASHGAN O`YIN FAOLIYATIDAN  
FOYDALANISHNING AHAMIYATI**

**Qurbonova Lobar Farhodovna**

*Termiz davlat Pedagogika instituti magistranti*

**Annotatsiya:** *Mazkur maqolada maktabgacha ta`lim tashkilotlarida dramatishtirishga ya`ni teatrlashtirilgan o`yin faoliyatining bolalarning rivojlanishi, nutqi va psixologiyasiga ko`rsatiladigan ijobiy ta`sirlar haqida atroflicha fikr yuritilgan.*

**Kalit so`zlar:** *Maktabgacha ta`lim, teatr, dramatishtirish, o`yin, psixoterapevtik, nutq, shaxs, rivojlanish, hissiy, ertak.*

Tengdoshlar va kattalar bilan birgalikdagi teatr faoliyati bolaga aniq psixoterapevtik ta`sir ko`rsatadi, kommunikativ sohadagi buzilishlarni tuzatishni ta`minlaydi. Jamoadagi bolalar individual xususiyatlarni namoyon etadilar, bu ularning ichki dunyosini shakllantirishga, kommunikativ moslashuvni yengishga yordam beradi. Teatr o`yininin vazifalari uning L. S. Vygotskiy, S. L. Rubinshteyn, D. B. Elkonin va boshqalarning tadqiqotlarida aniqlangan psixologik xususiyatlari bilan belgilanadi. O`yinda bolaning shaxsiyati shakllanadi, uning imkoniyatlari va birinchi ijodiy ko`rinishlari amalga oshiriladi. Teatr va o`yin faoliyatida kognitiv jarayonlar, hissiy va shaxsiy sohaning jadal rivojlanishi kuzatiladi.

Teatr o`yinlari adabiy asarlar (ertaklar, hikoyalar, maxsus yozilgan dramatishtirish) asosida o`ynaladi. Adabiy asar qahramonlari aktyorga aylanadi, ularning sarguzashtlari, bolalar tasavvurida o`zgargan hayotiy voqealar esa o`yin syujetiga aylanadi. Teatr o`yinlarining o`ziga xos xususiyati shundaki, ular tayyor syujetga ega, ya`ni bolaning faoliyati asosan asar matni bilan oldindan belgilanadi.

Haqiqiy ijodiy o`yin - bu bolalar ijodiyoti uchun eng boy maydon. Axir, asar matni tugalgacha o`xshaydi, unda bolalar o`zlari yangi hikoyalar to`qiydilar, qo`shimcha rollarni kiritadilar, oxirini o`zgartiradilar va hokazo. Teatrlashtirilgan o`yinda qahramon obrazi, uning asosiy xususiyatlari, harakatlari, kechinmalari asar mazmuniga qarab belgilanadi. Bolaning ijodkorligi xarakterning haqiqiy tasvirida namoyon bo`ladi.

Bolalarning o`yinda to`liq ishtirok etishi maxsus tayyorgarlikni talab qiladi, bu badiiy so`z san`atini estetik idrok etish, matnni tinglash, intonatsiyalar va nutq buzilishlarining xususiyatlarida namoyon bo`ladi. Asar qahramonini, uning boshidan kechirganlarini, voqealar rivojining o`ziga xos muhitini tasavvur qilish qobiliyati ko`p jihatdan bolaning shaxsiy tajribasiga bog`liq: uning atrofidagi hayot haqidagi taassurotlari qanchalik xilma-xil bo`lsa, uning tasavvuri, his-tuyg`ulari va hissiyotlari shunchalik boy bo`ladi. Rolni o`ynash uchun bola turli xil vizual vositalarni (mimika, imo-ishoralar, lug`at va intonatsiya nuqtai nazaridan ifodali nutq va boshqalar) egallashi kerak.